SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 25-fevral. Payshanba • 24 (32.083) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

## ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

**24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда депутатлар ўз конституциявий ваколатлари доирасида Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар.**

Мажлисда Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари К.Акмалов ҳисобот билан сўзга чиқди.

Аввал хабар қилинганидек, мазкур ҳисобот дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилган эди. Муҳокамалар давомида депутатлар парламент назоратини амалга ошириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, назорат-таҳлил тадбирларига фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини фаол тарзда жалб этиш юзасидан парламент ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси мазкур ҳисобот бўйича хулосани, шунингдек, Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботи тўғрисидаги Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасини тайёрлади ва уларни палата кўриб чиқишига тақдим этди.

Ҳисоботни эшитиш давомида қайд этилдики, Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди.

Тақдим этилган ахборотда таъкидландики, Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ Давлат бюджетининг самарали ижро этилишига, молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилишига, иқтисодиёт барча соҳаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мўлжалланган давлат дастурлари ва минтақавий ривожланиш дастурларининг ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси ўтказилди. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар даромадларини шакллантиришнинг тўлиқлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши текширилди.

Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар мисолида республика ва маҳаллий даражаларда Давлат бюджетининг ижроси, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ҳамда самарали сарфланиши текширилди. Давлат бюджети даромад қисмининг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича шаклланиши тўғрилиги, бюджетнинг моддама-модда ва тўла-тўкис ижро этилиши таҳлили ўтказилди, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичлари ҳақиқатга тўғри эканлигига баҳо берилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш ва дотация даражасини пасайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳудудларга чиқиб ўрганилди.

Парламент қуйи палатаси ялпи мажлисида Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботи эшитилганидан кейин унинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси**дан сўзга чиққанлар қайд этиб ўтдиларки, Ҳисоб палатаси ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатлари таъминланганлигининг, ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлари бўйича харажатларни қоплаш асослилигининг таҳлилини ўтказди. Ҳисоб палатаси томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги масалаларига, шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий нафақалар тўлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ижросидаги, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинлашдаги қатор муаммолар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, Ҳисоб палатасининг ўтказилган назорат тадбирлари ижроси мониторинги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, фракция аъзолари Ҳисоб палатасига назорат тадбирларини амалга ошириш чоғида Давлат бюджетининг ижроси соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратишни таклиф этдилар.

Муҳокама давомида депутатлар Ҳисоб палатаси томонидан Қонунчилик палатаси қўмиталари билан биргаликда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг самарадорлигини алоҳида таъкидладилар. Мазкур қўшма тадбирлар ўз самарадорлигини кўрсатди ва таркиб топган амалиёт давом эттирилади. Ҳисоб палатаси фаолиятида ишга янгича ёндашув ва услублардан фойдаланилди, хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ва ташкилотларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор таклифлар киритилди.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш якунларига кўра, Қонунчилик палатаси қарор қабул қилди, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Сенатга юборилади.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.***

*(Мақола қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда)*

**ЎзХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА**



## Мурожаат ортида инсон манфаати бор

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимидаги Жамоатчилик қабулхоналари партия аъзолари ва электорат вакиллари муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариб олиш мақсадида ташкил этилган.**

Ушбу хулосалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳларига таклиф сифатида топширилади. Натижада муаммоларни ечиш чора-тадбирлари кўрилади.

ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига ўтган йили 50 га яқин мурожаат бўлди.

Мурожаатларни таҳлил қилганимизда, уларнинг аксарияти ижтимоий масалаларни қамраб олгани маълум бўлди. Масалан, чекка ҳудудлардаги айрим қишлоқ врачлик пунктларида тез ёрдам машинаси етишмаслиги, шунингдек, болаларнинг мактабга қатнаши учун пиёдалар йўлакчаси ажратилмагани, нафақага чиқишни расмийлаштиришда учраётган тўсиқлар, кредит олишдаги муаммолар ҳақида мурожаатлар бўлди.

*Давоми 2-бетда.*

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори янги лойиҳа ташаббускори бўлди.

## «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги»

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида биринчи тиббий ёрдамдан қулай ва тезкор фойдаланишни таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари, айниқса, олис қишлоқлар аҳолиси учун ҚВП тармоғини кенгайтириш, жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа айрим тоифаларга имтиёзли асосда бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, соғлом болани вояга етказиш учун оилада хотин-қизларнинг масъулиятини кучайтириш, соғлом муҳитни шакллантириш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга кўмаклашиш ҳамда партия дастурий мақсад ва ғояларини тарғиб қилиш мақсадида **«Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги»** лойиҳаси ишлаб чиқилди.

*Давоми 2-бетда.*

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ**

## Ҳаётий таклиф ва ташаббуслар

**аввало, қуйи бўғинда шаклланиши лозим**

Яқинда бир танишим партия бошланғич ташкилотининг вазифалари ҳақида сўраб қолди. Унга соддароқ қилиб тушунтиришга уриндим. Сиёсий партияни улкан дарахтга қиёсласак, унинг илдизи бошланғич ташкилотлар ҳисобланади, дедим. Бошқачароқ айтганда, қуйи бўғин сиёсий партиянинг асоси, пойдевори эканини айтдим.

Ҳақиқатан ҳам сиёсий партияга куч-қувват берадиган, унинг нуфузини оширадиган муҳим воситалардан бири — бу шубҳасиз унинг бошланғич ташкилотларидир. Қуйи бўғин қанча фаол ва ташаббускор бўлса, сиёсий партияга эргашувчилар сони шунча кўпаяди, дастурий мақсадлари амалга ошишининг кафолати мустаҳкамланади.

*Давоми 2-бетда.*

**БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА**

Урганчда хотин-қизлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 15 корхона, ташкилот ва муассаса 800 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди.

## Хотин-қизлар учун иш ўринлари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бош бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Ярмаркада аёллар таклиф этилаётган иш ўринлари, меҳнат шароити билан танишиб, 30 га яқин хотин-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

— Олий маълумотли бўлсамда, бола тарбияси билан бўлиб, вақтинча ишламадим, — дейди урганчлик Маърифат Отажонова. — Бугунги меҳнат ярмаркасида «Кафолат» суғурта компанияси акциядорлик жамияти вилоят филиалига ишга йўлланма беришди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**



БУГУН ОНА ЮРТДА...

**Қашқадарё**

### Германия элчиси

**Қашқадарёда**

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг Қашқадарё вилоятида бўлди. Унга Германиянинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган компания ва ташкилотлари вакиллари, бир гуруҳ немис ишбилармонлари ҳамроҳлик қилди.

Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад муносабатларни янада ривожлантириш, ҳамкорликни юксалтириш эканлиги алоҳида таъкидланди.

«Қашқадарё» газетасининг сайтида хабар берилишича, вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда «Commerzbank»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Бодо Тёнс, «Petroline GmbH» компанияси директори Андреас Штумпф, «Roland Technik» фирмаси вакили Николай Павлов, «Knauf» компанияси таъсисчилигидаги «Бухорогипс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бош директори Жамшид Нурмуҳамедов ўз фаолиятлари билан таништириб, вилоят тадбиркорлари ва ишлаб чиқарувчиларини ҳамкорликка чақиришди.

Чет эллик меҳмонлар Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, «Шўртан газ-кимё» мажмуасида ҳам бўлишди.

**Фарғона**

### Ватан ҳимоясига

**отланишди**

Шу кунларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш тадбирлари тантанали равишда ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги расмий сайтининг хабар беришича, куни кеча ҳарбий хизматга чақирилган бир гуруҳ йигитларни кузатиш маросими Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғида ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шуҳрат Ғаниев иштирок этиб, ватан ҳимоясига шайланган йигитларга оқ йўл тилади.

**Самарқанд**

### Хитойча баҳор байрами

Самарқанд шаҳрида Синьцзян уйғур автоном райони маданият департаменти жамоаси томонидан «2016 йил — баҳор байрами» номли концерт дастури намойиш этилди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси сайти хабар бермоқда.

Тадбирда сўз олган Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Сунь Лицзе самарқандликларни кириб келаётган баҳор айёми билан қутлар экан, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Концертда Синьцзян бадиий ансамбли таркибида ижод қилаётган санъаткорларнинг яккахон ҳамда жамоавий рақслари, куй-қўшиқлари намойиш этилди.

**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЁЗЁВОН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОСИ СОЖИДАХОН АБДУСАМАТОВАНИНГ ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ АСОСИДА ТУМАНДАГИ 21-МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН МАХСУС АВТОБУС ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КОНИМЕХ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ДЕПУТАТЛИК ЎРИНЛАРИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН ОРАЛИҚ САЙЛОВДАН СЎНГ ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИНИНГ СОНИ 7 НАФАРДАН 8 НАФАРГА КЎПАЙДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ШУ КУНГАЧА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 30 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

# ЎзХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

▪ Сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, жамиятда таъсир кучини оширадиган энг муҳим масала — электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишдир.

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

**Сектор мудири Гулшан Асатова билан лойиҳанинг мақсади, уни ўтказиш тартиби, кутилаётган натижалар тўғрисида суҳбатлашдик.**

## «АЁЛЛАР СОҒЛИҒИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ»

— Лойиҳада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда улар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва мониторинг қилиш назарда тутилган, — дейди у. — Бу орқали аниқланган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, зарур бўлган тақдирда уларни маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига киритишни режалаштирдик.

Шунингдек, долзарб масалалар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизга таклифлар киритиш, қонунчиликни такомиллаштиришда ЎзХДП «Фаол аёллар» қанотининг амалий иштирокини янада кучайтиришни мақсад қилдик.

**— Лойиҳа қандай тартибда амалга оширилади?**

— Лойиҳа туман, шаҳар партия кенгашлари томонидан март ойидан бошлаб ҳар ойда бир марта ўтказилади. 7 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, Марказий Кенгаш томонидан тавсия этилган режа асосида ишлар олиб боради. Ишчи гуруҳига туман, шаҳар кенгаши раиси раҳбарлик қилади.

**— Ишчи гуруҳининг вазифаси нималардан иборат бўлади?**

— Ишчи гуруҳи уч босқичда иш олиб боради. Дастлаб, танланган ҳудудда қишлоқ врачлик пунктлари саволнома асосида ўрганилади. Оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар жамоатчилик ва депутатлик назорати тартибида таҳлил этилади. Аҳоли, айниқса, оналар ва болалар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш сифати, тиббиёт муассасасининг моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланганлик даражаси ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан партия гуруҳларига таклифлар берилади.

Сўнг, маҳаллалардаги хотин-қизлар ўртасида сўровномалар ўтказилади, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида соғлиқни сақлаш тизими, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда тиббий акциялар ташкил этилади, касаллиги аниқланган аёллар ҳамда болаларга даволаниш учун тавсия ва йўлланмалар берилади.

Ойнинг иккинчи ярмида таклифлар ва ҳисоботлар тайёрланиб, белгиланган тартибда вилоят партия кенгаши томонидан Марказий Кенгашга тақдим этилади.

**— Лойиҳа доирасидаги тадбирлардан қандай натижалар кутиляпти?**

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Лойиҳа ана шу мақсадда ташкил қилинди. Шу орқали оналар ҳамда болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар устидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати ўрнатилади, партия электоратига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланади.

Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалардаги болалар ва аёлларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тушунтириш орқали партия электорати манфаатини ҳимоя қилишни кўзда тутганмиз.

Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, мониторинг натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ишларига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларини жалб қилмоқчимиз. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни доимий комиссия ва сессия кун тартибига киритсак, кўплаб муаммоларга ечим топилади, мутасадди ташкилотларнинг масъулияти янада ошади, деб ўйлайман.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Гулруҳ ОДАШБОЕВА суҳбатлашди.**

## Мурожаат ортида инсон манфаати бор

**Туман марказидаги Янгибозор қўрғонида яшовчи Баҳодир Омонбоев олий ўқув юртини тамомлаган. Лекин бир муддат мутахассислиги асосида иш қидириб юрган. ЎзХДП туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига шу масалада ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Партия фаоллари ҳамда депутатлар кўмагида кўп тармоқли туман марказий поликлиникасига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашди.**



Абдуғани ЮСУПОВ олган суратлар.

*Суратларда: ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятидан лавҳалар.*

**«Оқовул» қишлоқ фуқаролар йиғини «Чумчуқжар» маҳалласида истиқомат қилувчи Азизжон Дадаматов ҳам олий маълумотли.** Лекин вақтинча ишсиз бўлган. Партиямиз Жамоатчилик қабулхонасида унинг мурожаатини тингладик. Масала ўрганиб чиқилди. Ҳозир у туманимиздаги 31-умумтаълим мактабида ёшларга физика фанидан дарс беряпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Жамоатчилик қабулхонасига иш сўраб мурожаат қилган Ҳусан Рўзиев туман «Паркентсувқурилиш», Нигора Бурхонова Ветеринария бўлимига ишга жойлашди. Демак, партиямиз амалий ишлар билан шуғулланмоқда, одамларнинг оғирини енгил қилмоқда.

— Анча йиллар олдин менга туман пенсия жамғармаси орқали ногиронлик аравачаси беришган эди, — дейди **2-гуруҳ ногирони Юлдуз Отақулова.** — Аммо у яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бир неча бор таъмирлашимга тўғри келди. Пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилдим. Аммо улар «навбатга қўйдик, келгач, берамиз» дейишди. Кутишга иложим йўқлиги боис туман партия кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Уч кун ичида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан менга аравача берилди.

Тўғри, биз депутатлар билан ҳамкорликда, мурожаатларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Аммо қабулхона имкониятидан тўлиқ фойдаланяпмиз, деб айтолмайман. Хусусан, чекка қишлоқларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини доимий ташкил қилишимиз зарур.

Жамоатчилик қабулхоналарини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан бойитиш ҳамда қабулхоналарни аҳоли учун қулай бўлган дам олиш кунларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Шунингдек, қандай муаммолар бўйича мурожаатлар қайд этилаётгани ва ҳудудлар бўйича таққослаш механизмини кучайтириш, намунали қабулхоналар иш тажрибасини оммалаштириш, бу борада вилоят ва туман оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим.

Мурожаатлар мавзуси бўйича доимий таҳлил олиб бориш, шу асосда бир-бирига ўхшаш ва кўп учраётган масалаларни маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига киритиш зарур. Бу тажриба электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни комплекс равишда ҳал этишга хизмат қилади.

Сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, жамиятда таъсир кучини оширадиган энг муҳим масала — электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишдир. Демак, биз партиямиз тизимида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан тўлақонли фойдаланишимиз зарур.

**Латифжон МАНСУРОВ,**
**ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси.**

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

**ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ**

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғоявий хуружлар, таҳдидлар кучайиб бормоқда. Бундай шароитда йигит-қизларни дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, турли иллатга қарши тура оладиган инсонлар қилиб тарбиялаш долзарб вазифа саналади. Шундан келиб чиқиб, бу жараёнда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда.

## Гиёҳвандлик иллатидан

**ёшларимизни ҳимоя қилишимиз зарур**

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят ички ишлар бошқармаси, Наркология диспансери, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорликда Қарши шаҳридаги енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида «Гиёҳвандлик — иллат» мавзусида тадбир ўтказилди.

— Бугунги кунда гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари жаҳон жамоатчилигини қаттиқ хавотирга солмоқда, — дейди **Қашқадарё вилоят Наркология диспансери шифокори Ойбек Тўраев**. — Айрим иродаси бўш кишилар, айниқса, ёшлар тўғри йўлдан адашиб, боши берк кўчага кириб қолмоқда. Бу иллат ҳозирги кунда ўз домига аёлларни ҳам тортиб бораётгани ачинарли ҳолатдир. Гиёҳвандликка мубтало бўлганларнинг аввало, оиласига, касбига ёки ўқишига нисбатан қизиқиши йўқолади, бефарқлик, лоқайдлик кучаяди. Оддий қилиб айтганда, гиёҳвандлик бу — бевақт ўлим, пулга сотиб олинган ажал, жуда катта моддий ва маънавий фожиа ҳисобланади.

Сўзга чиққанлар «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар аҳамиятига эътибор қаратишди. Бу вазифалар ижросига барча бирдек масъул эканини таъкидлашди.

Тиббиёт ходимлари гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида ёшларга атрофлича тушунча беришди.

**Дилбар ШАҲИЕВА**

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ**

## Ҳаётий таклиф ва ташаббуслар

**аввало, қуйи бўғинда шаклланиши лозим**

**Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотлар ишини замон талаблари даражасида кучайтиришга, унинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришга, ёш ва сиёсий билимдон етакчилар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази **Самарқанд филиалидаги бошланғич ташкилот етакчиси Саноат Зоҳидованинг** айтишича, бу ерда ЎзХДПнинг 30 нафардан ортиқ аъзоси бор.

— Партиядошларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бунга аввало, партиямиз томонидан олиб борилаётган амалий ишлар туфайли эришилмоқда. Биз тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз, бу орқали аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини оширишга ҳам ҳисса қўшяпмиз, — дейди у. — Оддий бир мисол. Бундан беш-ўн йил аввал одамлардан қандай масала ўйлантираётгани ҳақида сўралса, очиқ жавоб айтишга ийманишарди. Бугун эса аксинча, уларнинг ўзлари бизга мурожаат қилмоқда.

Маълумки, бошланғич ташкилот фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — аъзолар, тарафдорлар, электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишдан иборат. Биз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, тиббий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ таклифларни шаҳар партия кенгаши орқали халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз муҳокамасига олиб чиқишга эришаяпмиз. Шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўқувларни, эркин мулоқотларни бошланғич ташкилотларда кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар орасида «Оммавий маданият», «Оила муқаддас»,

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

«Эрта турмуш қуриш ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш», «Муомала, кийиниш ва биз» каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилди. Мавзу юзасидан ишлаб чиққан таклифларимизни юқори партия ташкилотларига, партия гуруҳларига ва Қонунчилик палатаси депутатларига тақдим этяпмиз. Таклифлар қуйида шаклланса бу кўп муаммоларнинг ечилишига хизмат қилади. Чунки аҳолини ўйлантириб келаётган масалалар ҳақида аниқ маълумотлар, таҳлилий хулосалар кўпроқ қуйи ташкилотга маълум бўлади.

— Бошланғич ташкилотимизга 83 нафар аъзо бирлашган, — дейди **Иштихон туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилот етакчиси Эркин Ёқубов**. — Биз улар билан мунтазам иш олиб боряпмиз. Аъзолар билан ишлаш тажрибаси, сиёсий-ҳуқуқий билимини кучайтиришга бағишланган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Уларда партия фаоллари, депутатлар билан бир қаторда сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимларни ҳам таклиф қиляпмиз. Чунки бошланғич ташкилот фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан етакчининг сиёсий-ҳуқуқий билимига боғлиқ.

Шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни кўпроқ қуйида ташкил этяпмиз, етакчилар ўзаро тажриба алмашиши учун имконият яратиб беряпмиз.

— Бугунги кунда вилоятимизда Ўзбекистон ХДПнинг 435 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда, — дейди **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудири Дилшод Норматов.** — Улар 16 349 нафар аъзони бирлаштирган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 600 нафарга кўпдир.

Бахмал тумани «Оқтош» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилотимиз фаолиятини бошқаларга намуна қилиб кўрсатяпмиз. Чунки бу ердаги аъзоларимиз партия томонидан ташкил этилаётган лойиҳалар, ўқув семинарлар, кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, партия етакчиси ташаббуси билан ташкилотда ўтган йили 20 дан ортиқ давра суҳбати, 15 дан ортиқ ўқув семинар ва яна ўнлаб бошқа тадбирлар ўтказилди.

Яна бир гап. Бошланғич партия ташкилотимиз туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Яқинда тумандаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар билан чиқдик. Ҳудудимизда электр таъминотини яхшилаш бўйича туман электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилган эдик. Масала ижобий ҳал этилди. Сабабсиз узилишлар бартараф қилинди. Электоратга дахлдор муаммолар бажарилиши керак бўлган ишларимиз кўп, албатта. Агар бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсад йўлида ҳаракат қилсак, ҳар қандай масалага ечим топилади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Партия ташкилотлари тизимида қатор турли тадбирлар, ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Лекин уларда кўрилаётган масалалар, партиямиз фаолиятидаги янгиликлар ҳар бир бошланғич ташкилотга етиб бораяптими? Жойларда, чекка ҳудудлардаги қуйи бўғинларда ўқувлар қай даражада ўтказилаётганидан хабардормизми? Семинарларни керакли ҳужжатлар билан таъминлаяпмизми? Тўғрисини айтганда, бу саволларга жавоб бериш қийин. Қатор масалалар вилоят, шаҳар миқёсида қолиб кетади. Уларга бир-иккита бошланғич ташкилотлар етакчиларини таклиф қилишади холос. Аммо ҳар бир ҳудудда қанчадан-қанча бошланғич ташкилотимиз бор. Уларнинг ҳар бирига кўрилган масала, қўйилган вазифалар етиб бормас экан, фаолиятимиз самарали бўлмайди.

Демак, қуйи бўғин фаолиятини тўғри ташкил этиш, маҳаллий партия кенгашларининг бошланғич ташкилотларга эътиборини кучайтириш энг долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



15 ФЕВРАЛЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ АСОСИДА БАРЧА ТУРДАГИ ДОРИХОНАЛАР ТОМОНИДАН АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ПАРТИЯ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ.

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

■ Бу шаҳарларга ташриф буюрган дунё сайёҳлари бизнинг Лангаротага ҳам келиб кетишади.

# Лангароталиклар даврасида

**Қашқадарё воҳаси Ҳазрати Башир тоғларидаги улкан чашмалардан бошланади. Ҳисор ва Зарафшоннинг туташган нуқтасидан Жомгача чўзилган кўндаланг тоғнинг ҳар икки тарафида ҳам булоқлар кўплиги учун бу ҳудуд қадимдан Чашмиоб водий, деб аталади. Унинг икки қаноти, икки вилоятга тегишли.**



Чўққиларга тушган қорларнинг ярми Самарқанд, ярми Қашқадарё тарафга обиҳаёт бўлиб оқади. Чироқчи туманидаги Қалқама воҳасида каттакичик булоқлардан сув ичадиган еттита қишлоқ улкан сойликлар бўйлаб тоққа туташиб кетган. Ўрталикда жойлашган Лангарота қишлоғи мен таваллуд топган маскан. Истиқлол туфайли Қашқадарёнинг энг чекка қишлоғи бўлмиш менинг ота маконимда ҳам кўнгилни қувонтирадиган ўзгаришлар рўй берди. Бугунги гурунгимиз шу ҳақда. Биз тарафларда никоҳ чимилдиғига куёв ва куёв навкарлар кириб келганида улар олдига тўққиз товоқда тўққиз турли таом тортилади. Баъзида кўпкари ёки курашда соврин қўйилаётганда ҳам бир тўққиз, тўққиз турдаги соврин (масалан, қўчқор, ҳўкиз, той, туя, тўн дегандай) қўйилади. Қишлоқдошларимиз орасидан тўққиз ёшдан тўқсон ёшгача, тўққиз хил касбкордаги тўққиз кишининг кўнглига қўл солганимиз ҳам ана шу анъанадан келиб чиқди.

**1.Иброҳим АМИРОВ, 90 ёшда, боғбон:**

— Лангаротада қадим замонлардан бери одамлар боғдорчилик билан шуғулланади. 200-250 йиллик узумзорлар ҳамон яшнаб турибди. Узумнинг камида 50 хил хўраки навлари бизда етиштирилади. Лангарота узумлари саратон кирганда (чарос, сурхок) пиша бошлайди. Ёшлигимизда токзорни уч марта кетмонлаб чопиб, тагига эски иморатларнинг пахса деворидан чиққан кесакларни солиб, ишлов берардик. «Чилла суви», «Ғўра суви»дан бошқа сув бермасдик. Пайкалда уч қават узум бўлиб, ёз ва куз давомида узум узиб, шинни қилиб, майиз қуритардик. Қоралўнда узумидан тайёрланган мусалласлар хумларда кўпириб ётарди... Шўролар даврида боғ-роғлар эгаларидан тортиб олиниб, колхоз ва совхоз мулки сифатида умумлаштирилгач, деярли қаровсиз қолди. Бундан ташқари, хўраки узумлар олиб ташланиб, ўрнига винобоп узумлар экилди. Кейинчалик собиқ марказ топшириғи билан ичкиликбозликка қарши кураш бошланиб, винобоп узумзорлар ёппасига йўқ қилинди.

Узумчилик кам даромад соҳага айланди. Мева-чевалар ғарқ пишганида уларни йиғиб келиб, олиб бориб қайта ишлайдиган корхоналар йўқлиги учун жойида тўкилиб, исроф бўлиб кетарди. Истиқлол шарофати билан боғларимиз ўзимизга қайтди. Узумзорлар ёппасига деҳқон хўжаликларига берилди. Моддий манфаатдорлик кучайгани учун боғларда мўл-кўл ҳосил олинмоқда. Оқибатда рўзғорларимизга ҳам файзу барака кирди. Биз кексаларни ҳам яйраб яшайдиган замонимиз келди. Юртбошимиз бизни қўллаб, қанчалаб имтиёзлар яратиб берди, бу меҳрибончиликларидан кўнглимиз яйрайди, ҳайратимиз ошади. Қўлимга кетмон олиб, ўзим эккан боғлар орасида оралаб юрсам, кучимга куч қўшилгандек бўлади. Ҳаммамизнинг бахтимизга юртимиз тинч бўлиб, Юртбошимизнинг умри узоқ бўлсин...

**2.Маъмурхон ҚУРБОНОВ, 87 ёшда, меҳнат фахрийси:**

— Ўтган асрнинг 30-йилларида отамни саводли бўлгани учун қамашган. Маҳбуслигида вафот этган. Етим ҳолимда Самарқандга тоғ оша пиёда қатнаб, аввал педагогика техникумида, кейин университетда ўқиб, қишлоқда 50 йил муаллимлик қилдим. Мактаб биноларининг ҳаммаси лойсувоқ пахсадан қилинган бўлиб, томидан чакки ўтиб ётар, дарсликлар, муаллимлар етишмасди.

Мустақилликдан сўнг мактабимиз янги бинога эга бўлди. Кейинчалик қайта таъмирланди, спорт зали қурилди. Ҳозир эса ҳавас қилгулик даражада. Компьютерлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Қани ёш бўлсаму, қайнаб тошиб ишласам. Бу ҳам болаларимизнинг бахти-омади. Айтмоқчи, нафақага чиққанимдан кейин, отамдан қолган Кўлбулоқсойга кўчиб бориб, боғ қилдим. 3 гектарда узумдан ташқари, 90 хил мева-чева пишиб ётади. Сони 100 га етадиган невара-чевараларимизнинг егани олдида, емагани ортида. Бундай фаровон замонни етти пуштимиз ҳам кўрмаган. Шулар ҳақида ўйласам, кўнглимдан беихтиёр «мустақилликдан ўргилай», деган сўз ўтади.

**3.Бекмурод БОЙМУРОДОВ, 75 ёшда, меҳнат фахрийси:**

— Иброҳим отанинг дуоларига мен ҳам қўшиламан. Ҳозиргидек кўз олдимда турибди. Мен ўшанда боғдорчиликка ихтисослашган «Қалқама» совхозида директор бўлиб ишлардим. Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида биринчи раҳбар бўлиб ишлаган пайтида, бизнинг хўжаликка уч-тўрт марта келиб, ҳар келганида тоғлик аҳолининг турмуш тарзи билан қизиқиб, маслаҳатларини берарди. Биринчи келишида ўзимизнинг Лангарота қишлоғида тўхтаб, эски масжид ичида жойлашган дўконни ташқарига чиқартириб, нарироқдан янги, замонавий дўкон қуриш ҳақида топшириқ берди. Ўшанда юқори ташкилотлар ёрдамида қишлоқ оқсоқоли раҳматли Хайруллохон бобо бошчилигида ҳашар йўли билан пишиқ ғиштдан мармарсувоқ қилиб, бежирим қурилган дўкон ҳамон ишлаб турибди.

XIII-XVII асрларда бунёд этилган Лангарота шайхлари мақбараси ҳамда минг йиллик эски масжид обидаларини асраб-авайлаш, умрини узайтириш ишлари ҳам Ислом Абдуғаниевич таклифи билан амалга оширилди. Худди ўша саксонинчи йилларнинг охирида яна бир тарихий иш қилинганди. Қўшни Тарағай қишлоғида Амир Темур боғи бунёд этилганди. Қирмизи олмаларнинг конига айланган бу боғ ҳамон гуллаб-яшнаб турибди. Худди шу жойда сайёҳлик маркази ташкил этиб, дунёнинг тўрт бурчагидан меҳмон чақириш ниятим бор.

**4. Абдували ОБИДДИНОВ, 63 ёшда, фахрий журналист:**

— Асли математика муаллимиман. Узоқ йил мактабда дарс бердим, мактаб раҳбари бўлдим. Кейинги 20 йил ичида «Маърифат» газетасининг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари бўйича мухбир бўлиб ишладим.

Қишлоғимиз Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари сайёҳлик марказлари рўйхатига киритилган. Бу шаҳарларга ташриф буюрган дунё сайёҳлари бизнинг Лангаротага ҳам келиб кетишади. Уларга ҳамроҳлик қилиб, қишлоғимизнинг мўъжизакор табиати, тарихий обидаларини кўрсатаман. Улар кўпинча келин-куёвлар никоҳ тўйларида иштирок этиб, ҳайратга тушадилар. Бундан жуда ҳам фахрланаман.

**5.Музробхон САЙФУТДИНОВ, 62 ёшда, чорвадор:**

— Деҳқон деҳқонга бир йилда, чорва чорвага қирқ йилда етади, деган нақл бор. Чунки чорвадорлик нозик иш. Айниқса, қўй боқиш ҳаммасидан оғир. Қўй: «Менинг сонимни элликка етказсанглар, элингни боқаман...» дермиш. Буни кўп бора ўз бошимдан ўтказдим. Қўй-эчкилар сони элликдан камаймагани туфайли катта рўзғоримиз файзу барокатли, дастурхонимиз обод. Икки ўғилни олий ўқув юртида ўқитиб, учтасини уйли-жойли қилдим.

Собиқ шўро тузуми даврида қўй-эчкининг сони 10 тага етса, камида 4-5 тасини давлатга гўшт учун топшириш шарт эди. Эндиликда қишлоғимизни кўринг. Ҳар бир хонадон 4-5 сигир, 20-30 дан зиёд қўй-эчки асрайди. Бозорларимизда мол гўшти, қўй гўшти, сариёғ, сут-қатиқ сероб. Ён қўшнимиз Тўлакўл қишлоғида ҳар бир хонадонда от бор. Улоқчи отларнинг сони юздан ошади. Жамолхондай машҳур човандоз ҳам шу қишлоқдан. Ҳар ойда бир марта йиғилиб, кўпкари қилишади. Яна бир гапни айтай: эски замонда отабобоси битта эшак олиб минолмаган кишиларнинг болалари ҳам бугун енгил машина эгаси. Эрталаб қишлоқнинг асфальт кўчасига тушсангиз, енгил машина дегани тирбанд бўлиб, йўл талашади. Ўзбекнинг пешонасига офтоб теккани рост бўлсин!

**6.Зиёдулла ҳожи МУҲАММАДИЕВ, 59 ёшда, савдо ходими:**

Шўро замонида қанча ишламайлик, биримиз икки бўлмаган. Мустақиллик шарофати билан топган-тутганимизга барака кирди. Яқинда ўғилларим билан қишлоқ марказида супермаркет савдо дўконини очдик. Худди шу жойнинг ёнидан тўйхона қурмоқчимиз. Кейинги 20 йил ичида қишлоғимизнинг ташқи қиёфаси, одамлар турмуш тарзи шунчалик ижобий томонга ўзгардики, қойил қолмасдан иложи йўқ. Етти пуштимиздан бирор киши Ҳаж зиёратига бормаган экан. Бизга насиб қилди. Бу кунларга ҳар қанча шукрона айтсак ҳам кам.

**7.Тоштемир ОЧИЛОВ, 50 ёшда, тадбиркор:**

— Ўғилларим билан боғимизда анор етиштирамиз. Бу бизга ота касб. Кичкина цехимизда блок ғишт ишлаб чиқарамиз. Эрта пишар гилос, ўрик, шафтоли каби мевалар билан бозорни обод қиламиз. Қишлоқдаги электр энергия ишлаб чиқарадиган мини ГЭС даставвал бизнинг хонадонимизда пайдо бўлди. Ариқ сувига ўрнатилган чархпалак ҳосил қилган электр қуввати тунда хонадонларимизни чароғон этаяпти. Ҳозир Лангаротадаги ҳамма уйда электр чироқлари чарақлаб ёниб турибди. Тоғ бағридан туриб пастга қарасангиз, сойга беҳисоб юлдузлар тўкилиб, базм қиляпти, деб ўйлайсиз. Бу ҳам Истиқлол шарофати. Унинг мўъжизаларидан бири.

**8.Бобурхон РАҲМОНОВ, 45 ёшда, муаллим:**

— Лангарота қадимдан маърифат маскани. X асрдан то ўтган асрнинг 20-йилларига қадар қадим масжид ёнида мадраса ишлаб турган. У ерда атроф қишлоқлардан талабалар йиғилиб келиб, динийдунёвий илмлардан сабоқ олган. Мирзо Бедил, Хўжа Ҳофиз, Навоий асарларини ўқишган. Афсуски, 20-йиллар охиридаги қаттол замонда мадраса бузиб ташланган. Китоблар ёқиб юборилган, йўқ қилинган. Мударрислар сургун қилинган. Ҳозир эса ўша мадраса жойлашган ҳудуд яқинида Маиший хизмат кўрсатиш коллежи ишлаб турибди.

Мактаб муаллимлари Ўрол Турсун, Нурмурод Мелиевлар ташаббуси билан икки йил бурун қишлоғимиз марказида кутубхона ва тарих музейларини барпо этдик. Қадимий қўлёзма китобларини тўпладик. Жамоатчилик асосида ишлайдиган маҳалла кутубхонасида икки мингдан зиёд сиёсий, бадиий, публицистик китоблар тўпланган бўлиб, улардан ёшу қари баҳраманд.

**9.Рухшона АКБАРХОН қизи, 9 ёшда, 3-синф ўқувчиси:**

Мактабимиз спорт залида бадиий-гимнастика билан шуғулланаман. Баҳоларим аъло. Келгусида шоира бўлмоқчиман. Кўп шеърларни ёд биламан.

Бобомнинг шеърини айтиб берайми...

*Сен аслида илоҳий қўшиқ,*
*Куйлаб ўтган мен битта ошиқ.*
*Номинг жамолингга ярашиқ,*
*Лангарим, она маконим менинг.*

* * *

***Ҳа, азизлар, биз бугун 9 рақами баҳонасида қишлоқдошларимиз орасидан 9 кишини танлаб, уларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик. Истиқлол имкониятлари, мўъжизалари эса беҳисоб. Уни мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир юртдошимиз тақдирида кўриш мумкин.***

**Ғози РАҲМОН,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

## ХАБАРЛАР ТЎЛҚИНИДА

### Юртимизда Венгрия элчихонаси очилди

*Тошкент шаҳрида Венгриянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати маълум қилади.*

Венгриянинг Муваққат ишлар вакили Янош Ваник дипломатик ваколатхонага вақтинчалик раҳбар этиб тайинланди.

### Темир йўл чипталарини

**эндиликда мобиль иловалар орқали харид қилиш мумкин**

«Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти ўз мижозлари учун Android ва iOS операцион тизимининг платформаси асосида мобиль иловалар ишлаб чиқиб, 23 февралдан ишга туширди. Бу ҳақда акциядорлик жамиятининг расмий сайтида хабар берилган.

Дастурнинг асосий хусусиятлари бу темир йўл чипталарини онлайн харид қилишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ушбу илова фойдаланувчиларга поездлар жадвалидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек темир йўл транспорти соҳасидаги янгиликлар билан танишиш имкониятини беради.

Темир йўл чипталарини сотиб олиш жараёнида «UzCard» тўлов тизими сифатида қўлланилади.

### Бюджет ташкилотлари ходимлари

**ўз маоши ҳақида SMS маълумот олишади**




Молия вазирлиги UzASBO тизимида махсус хизмат ишга тушганини маълум қилди. Эндиликда бюджет ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар ўз маоши ҳақидаги маълумотларни SMS хабари орқали билиб олишлари мумкин.

Вазирлик сайтида маълум қилинишича, керакли маълумотларни олиш учун, мижозлар 7878 қисқа рақамга қуйидаги хабарни юборишлари керак zp*CCCCCCC*MM*YYYY

Ушбу хабарда zp — ойлик маош ҳақида маълумот олиш сўрови, CCCCCCC — ходимнинг UzASBO дастуридаги индивидуал коди, MM — ой, YYYY — йил сонлари кўрсатилади. CCCCCCC — кодини ҳар бир ходим ўзи ишлаётган ташкилотнинг молия бўлимидан олади.

## ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

### ДУНЁГА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН

**касаллик қай даражада хавфли?**

Зика вируси илк маротаба 1947 йилда қайд этилган. Яқин-яқингача Африка қитъаси ва баъзи орол давлатлар аҳолисига талафот етказган ушбу вирус эндиликда глобал муаммога айланди.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида Лотин Америкасида кенг тарқалиб бораётган Зика вируси бутун Ғарбий ярим шарга хавф туғдираётгани таъкидланади. Зика вируси келтириб чиқарадиган ва қон сўрар чивинлар орқали юқадиган безгак касали инсон ҳаёти учун хавфлидир.

Яқин вақтгача кам учрагани боис, унга жиддий касаллик сифатида қаралмас эди. Бироқ касалликнинг 2015 йилда Бразилияда авж олиши, янги туғилган чақалоқларда микроцефалия, яъни бош миянинг нормадан кичик бўлишига олиб келмоқда.

Ушбу касалликка чалинган болаларда, кейинчалик оғир хасталиклар рўй бериши мумкин.

Ҳозиргача ушбу вирусга қарши вакцина, махсус дорилар топилгани йўқ. Шунинг учун шифокорлар чивинлар кўпайишининг олдини олишни, ҳимоя воситаларидан фойдаланишни, айниқса, ҳомиладор аёлларга касаллик тарқалган 25 дан зиёд давлатларга бормасликни тавсия қилишмоқда.

### 54 ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

**Вашингтонда яна трамвай қатнови йўлга қўйилади**

27 февралдан бошлаб Вашингтонда биринчи ва ҳозирча ягона трамвай йўналиши йўловчиларга хизмат кўрсатишга киришади, деб хабар бермоқда ТАСС ахборот агентлиги.



Трамвайлар қатнови Вашингтонда 54 йил муқаддам тўхтатиб қўйилган эди. Уни қайта йўлга қўйиш ҳаракатлари эса 10 йил аввал бошланган. Сўнгги маълумотларга кўра, бу лойиҳани амалга ошириш учун 200 миллион доллар сарфланган.

Аҳоли трамвайлардан ҳозирча текин фойдаланиши мумкин.

Келгусида янги йўналишларни қуриш ҳам режалаштирилган бўлиб, умумий йўл узунлиги 59 километрни ташкил этади.

■ **МАТБУОТ АНЖУМАНИ**

# Солиқ: имтиёз ва имконият

**Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида кейинги йилларда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида маълумот берилди. Қайд этилдики, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.**

Хусусан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз бўлди. Эътироф этиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига ушбу микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида жорий йилда 58,4 миллиард сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

2016 йилдан бошлаб мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун фойда солиғини рентабеллик даражасидан келиб чиқиб тўлаш, яъни рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда — 7,5 фоиз ставкада, рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда фойда суммасига — 50 фоиз ставкада солиқ тўлаш белгиланди.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, тўқимачилик саноати корхоналари учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёзнинг муддати ҳам 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимлари сонини 25 нафардан 50 нафаргача оширган ҳолда кичик бизнес субъектларига яратилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Кирим қилинмаган товарлар учун қўлланиладиган молиявий жарима 2016 йил 1 январдан бошлаб, ушбу кирим қилинмаган товарлар суммасининг 100 фоизи ўрнига 20 фоиз миқдорида ундирилиши белгиланди, яъни 5 баробарга камайтирилди.

Матбуот анжумани якунида журналистлар саволларига мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДАГИ 157 ҚИШЛОҚ ТУМАНИДА 191 БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ БАРПО ЭТИЛДИ.




*Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Наманган вилоятида ўтказилган республика амалий семинари маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида янги иш ўринлар ташкил этиш борасидаги тажрибани оммалаштиришга бағишланди.*

## Наманганда янги иш жойлари кўпаймоқда

Касаба уюшмалари ташаббуси билан вилоятда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ўзига хос тизим яратилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда туман ва шаҳарлардаги фойдаланилмаётган бўш бинолар аниқланиб, улар кичик корхоналар ихтиёрига берилмоқда. Шу орқали коллеж битирувчиларининг бандлиги таъминланмоқда. Ўтган икки йил давомида 91 нафар йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлди.

Биргина Тўрақўрғон туманининг Ёртепа қишлоғидаги «Янгиобод» маҳалласида савдо дўкони, сартарошхона, гўзаллик салони, чеварчилик, пазандачилик цехлари очилиши натижасида 11 иш ўрни яратилди.

## «Ўзбектелеком» провайдерлар учун

**интернет-хизматлар тарифларини пасайтирди**

*«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2016 йилнинг 17 февралидан Ўзбекистон провайдерлари учун ташқи канал интернет-хизматлари тарифларини 1 Мбит/с учун 136,34 АҚШ долларигача пасайтирганлигини маълум қилди.*

Жорий йилда тарифлар бунгача ҳам арзонлаштирилган эди. Хусусан, 1 февралдан 1 Мбит/с учун нарх 141,94 долларгача пасайтирилганди.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилда тарифлар 17 марта пасайтирилган бўлиб, январь ойида 1 Мбит/с учун тўлов 259,29 долларни ташкил этган бўлса, декабрь ойига келиб 157,60 доллардан иборат бўлди.

## Санъат сабоқлари

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида санъаткорлар учун ўқув курслари ташкил этилди.*

Дастлабки машғулотларда институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев, Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Бош директори Фарҳод Жўраев ва институт профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу ўқув курслари санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ижод қилишига кўмаклашишга хизмат қилади.

Ўқув дастурига нутқ ва саҳна маданияти, вокал санъати, саҳна ҳаракати фанлари киритилган.

## МУНОСАБАТ

Наврўзи олам барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

# Наврўз — ўзлигимизнинг ёрқин тимсоли



**Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири:**

— Байрамларимиз кўп, ҳар бирининг ўзига хос томони, алоҳида қадр-қиммати бор. Айниқса, Наврўзнинг шукуҳи бошқача. Бунинг асосий сабаби — ушбу байрамнинг ўта қадимийлигидадир. Азал-азалдан деҳқончиликнинг пири ҳисобланмиш ерсевар халқимиз эртанги тўкинликларга орзиқиб талпинган кўйи, Яратгандан қутбарака тилаб, энг тоза, энг эзгу ниятлар билан баҳорни доимо энтикиб қаршилайди.

Бу шодиёнанинг яна бир тортимли тарафи шуки, унда халқимизнинг бетакрор ўзлиги бошқача бир тарзда ярқираб кўринади, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган муқаддас удумларимиз, масалан, бири пазандачилик, бири дўстона куч синашувлар, бири санъат билан боғлиқ гўзал анъаналаримиз байрам мазмунига қоришган йўсинда намоён бўлади, миллий ғururимизни янада оширади.

Шундан келиб чиқиб қаралса, Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш тўғрисидаги қарорида бу тадбирга юксак тантанаворлик бахш этиш, жумладан, халқимизнинг кўҳна урф-одатларини ёрқин акс эттирувчи томошаларга, қадимий қўшиқ ва лапарларга, қувноқ айтишувларга, халқ ўйинларига кенг ўрин берилиши лозимлиги ҳақидаги сўзларида жуда теран маъно ётибди.



Гоҳо болалик чоғларимиз ёдга тушади. У даврда Наврўз расмий байрам эмасди, аксинча таъқиб остида эди. Шунга қарамай, экинчилар байрамни «қўш солди» деган бошқача номда ниқоблаб, далаларда яширинча зиёфат уюштиришар, кўкатдан мантию сомсалар пишириш авж оларди. Аёллар маҳалланинг уч-тўрт хонадонига бўлиниб, дошқозонларда сумалак солишар, чирманда чалиб, «Сой бўйида турган йигит», «Аяжон, аяжон, бошгинам оғрийди» каби лапарларга ўйин туша кетишарди. Шунда қаёқдандир пайдо бўлган кимсалар хотинларни тўрт ёққа қувиб соларди, хурсандчилик бир зумда азага айланарди. Лекин одамлар осонликча ён бериб қўявермасди, Наврўз ҳафтанинг қай кунига тўғри келишидан қатъи назар, катталару болалар эрталабдан бозор сари йўл олишарди, милиционерлар уларни уй-уйига тарқатишга уринса-да, сотувчи ва харидорлар у ёқдан-бу ёққа қочиб бўлса ҳам, сайлу савдони давом эттираверишарди.

Наврўз халқимиз учун нақадар қадрли ва суюкли эканини шулардан ҳам билиб олса бўлади.

Наврўзга ҳужум қилиш ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўртасида яна ҳам мудҳиш тус олди. Бошқасини қўйиб туринг, ўша замоннинг баъзи бир калтабин раҳбарлари хонадонларда пиширилаётган сумалакларга тупроқ сочиш даражасигача бориб етишди. Инсонни хўрлаш, уволдан қўрқмаслик бундан ортиқ бўладими?

Ана шундай камситишларни бошдан кечириб келган кишиларимиз Юртбошимизнинг ўлкамиз мустақилликка эришмасидан илгариёқ Наврўз байрамини қайта тиклаш, бу санани дам олиш куни деб эълон қилиш юзасидан чиқарган фармонини чексиз қувонч, беҳад тўлқинланиш билан қарши олгани бугунгидек кўз олдимизда турибди. Қулоқларимизга ишонгимиз келмаганди ўшанда.

Шуларни эслаганда, бугунги кунга шукроналик туйғуси юрак-юрагинг тубидан беихтиёр балқиб чиқади. Ўзлиги бор юртда, кимлигини чуқур англаб етган инсонлар орасида яшаётганингдан фахрланиб кетасан киши.

Турмушимиздан баҳор таровати, байрам кайфияти ҳеч қачон аримасин, илоҳим!

## ХУШХАБАРЛАР!

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Қатарда ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақанинг бешкураш баҳсларида Екатерина Воронина энг кўп очко жамғариб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича олтин медаль билан тақдирланди — 1 метру 92 сантиметр. Мазкур йўналишда яна бир спортчимиз Надя Дусанова (1 метру 88 сантиметр) иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Осиё чемпионатида яна икки вакилимиз — Марат Ҳайдаров ҳамда Валентина Кибальниковалар бронза медалига сазовор бўлдилар.

**СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ.** Боку (Озарбайжон)да Жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳслари якунланди.

Дунёнинг ўн тўққиз давлати вакиллари ўртасида кечган мусобақанинг таяниб сакраш баҳсларида моҳир спортчимиз, Барселона олимпиадаси чемпиони Оксана Чусовитина энг юқори балл тўплаб, олтин медаль билан тақдирланди.



**ЭРКИН КУРАШ.** Беларусь пойтахти Минск шаҳрида уч карра Олимпия чемпиони Александр Медведь соврини учун Гран-при туркумидаги халқаро турнир ўтказилди.

Нуфузли мусобақада ўз вазн тоифаларида полвонларимиз Нодиржон Сафаров ҳамда Рашид Қурбоновлар шоҳсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олдилар.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.**

## СПОРТ

# Дастлабки очколар

**Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси баҳслари бошланди. Қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақасида мамлакатимиз шарафини бир йўла тўртта жамоа ҳимоя қилмоқда.**

Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Тошкентнинг «Локомотив» футболчилари дастлабки турда ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоасига қарши майдонга тушди. Учрашувнинг биринчи бўлимида меҳмонлар вакили Ривас ҳисобни очган бўлса, ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганида темирйўлчилар Сардор Мирзаев киритган гол эвазига мағлубиятдан қутулиб қолдилар — 1:1.




Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

Мазкур квартетнинг иккинчи баҳсида «Фулад» (Эрон) — «Ан-Наср» (Бирлашган Араб Амирликлари) жамоалари майдонга чиқди — 2:0.

«В» гуруҳида тўп сураётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси илк учрашувни сафарда «Ан-Наср» (Саудия Арабистони) футболчиларига қарши ўтказди. Мухлисларимизни ҳаяжонга солган мазкур баҳсда бунёдкорчилар катта ташаббусга эга бўлдилар. Ўйиннинг 3-дақиқасида Достонбек Ҳамдамов мезбонлар дарвозасини ишғол этган бўлса, орадан ўттиз дақиқа ўтгач, Шакир Зуаги ўзини кўрсатди — 0:2. Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида мезбонлар ҳисобни қисқартиришнинг уддасидан чиқдилар.

Аксарият мухлислар ушбу ўйинда «Бунёдкор» футболчилари ғалабасига ишонч ҳосил қилишганди. Аммо иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз айрим вазиятларда ҳимояда қўпол хатоларга йўл қўйдилар. Гарчи 75-дақиқада Достонбек Ҳамдамов ҳисобни яна оширган бўлса-да (1:3), вакилларимиз ўйиннинг охирги палласида ўз дарвозалари тўридан икки марта тўп олиб чиқдилар. Якуний ҳисоб — 3:3.

— Осиёнинг етакчи жамоаларидан бирига қарши мазмунли ўйин намойиш этдик, — деди учрашувдан сўнг **«Бунёдкор» жамоаси мураббийи Сергей Лушчан.** — Бугун учта хато эвазига ғалабани бой бердик. Таркибимиз асосини ёшлар ташкил этишига қарамай, мухлисларга манзур бўладиган футбол кўрсатганимиздан хурсандман. Биз учун мавсум энди бошланмоқда. Ишонаманки, учрашувдан учрашувга жамоамиз ўйинини кучайтириб борамиз.

Мазкур гуруҳнинг иккинчи учрашувида «Лаҳвия» (Қатар) — «Зоб-Аҳан» (Эрон) жамоалари ўзаро баҳс юритди — 0:1.

Шунингдек, кеча гуруҳ баҳслари давом эттирилди. «С» гуруҳида «Пахтакор» — «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) жамоалари (2:2) ўзаро куч синашган бўлса, «D» квартетида Қаршининг «Насаф» футболчилари Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоаси меҳмони бўлди(1:2).

**Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## РЕКЛАМА

**ЗАВОД «KRANTAS»**

**Производит и реализует под заказ:**



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- **Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.**
- **Водовозы — 4, 8, 12 м³.**
- **Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.**
- **Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.**
- **Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.**
- **Автогудронаторы — 6, 8 м³.**
- **Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.**

**Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz**

**Товары сертифицированы.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
17506 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 00.15
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 6